



ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатини куриб чиқиш

Хизмат хақида:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига ариза, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Хизматнинг соҳага тегишлилиги:

Барча соҳалар учун.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси:

Жисмоний ва юридик шахсларга.

Боғланиш:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши.

Хизматни кўрсатиш учун керак буладиган ҳужжатлар (нусхалар сони):

Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ўзма мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси еки мурожаат этувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд вақолатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони булмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб куйилиши керак.

Хизмат курсатишнинг ҳуқуқий асоси:

- "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (ЎРҚ-378-сон 2014 йил 3 декабр)*
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 август "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холла юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамқорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 181-сонли қарори.*

Хизматлар нархи ва тулаш тартиби:

Бепул

Хизмат курсатиш муддати:

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан хал этиш шарт булган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатлар сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача булган муддатда кўриб чиқилади.

Натижани олиш усуллари:

Мурожаатчига мурожаат натижаси ҳақида ёзма шаклда хабар берилади, ёзма хабар почта ёки электрон почта орқали жунатилади.

Хизмат натижаси:

Мурожаатчига мурожаатни кўриб чиккан давлат органи ўнга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул килинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар килиши шарт. Мурожаат жавобини давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс имзолайди.

Рад этиш сабаблари:

Куйидаги мурожаатлар куриб чикилмайди:

- Аноним мурожаатлар;*
- Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд булмаган тақдирда;*
- Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофик;*
- Булмаган мурожаатлар.*

Шикоят аризаси бериш тартиби:

Ариза ёки шикоят юзасидаги қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга рози булмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушинтириши шарт.

ХИЗМАТ КУРСАТИШ ТАРТИБИ



Жисмоний ва юридик шахслар мурожаати тушган кундан этиборан бир ойгача булган муддат ичида куриб чикилади